



Хар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралашидан ҳимояланиш ва турар жойи дахлсизлиги ҳуқуқига эга.

Ҳеч ким қонун назарда тутган ҳоллардан ва тартибдан ташқари бировнинг турар жойига кириши, тинтув ўтказиши ёки уни кўздан кечириши, ёзишмалар ва телефонда сўзлашувлар сирини ошкор қилиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 27-моддаси.

ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN, AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN

Xabar

27
(772)-son

6-iyul

www.xabar.uz
xabar@uzpak.uz
orif@infonet.uz

2007

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI 1992-yil martdan chiqa boshlagan

● Алоқа оламида: ЭНГ СЎНГГИ ЯНГИЛИК! ●

Nokia kompaniyasi simsiz spikerfon (baland tovushli aloqa vositasi) – HF-300 taqdimotini ўtkazdi. Icham ҳажмли мазкур қурилмани автомобилнинг қуёш нуридан пана қилгичи, яъни соябонига ўрнатиш мумкин. Шунингдек, ишхонада ёки уйда столга ўрнатса ҳам бўлади. Спикерфонга 20 соат сўзлашиш учун етадиган аккумулятор батареяси жойлаштирилган. Телефон билан боғланиш учун Bluetoothдан фойдаланилади.

Nokia HF-300 жаҳон бозорига шу йилнинг ёзида 120 доллар баҳосида чиқарилади.



Ушбу сонда:

ХАЙЪАТ
ЙИФИЛИШИДА

2-БЕТ ➡

МЕЪЁРИЙ
ҲУЖЖАТЛАР
уларга риоя ва
амал қилиш зарур

4-БЕТ ➡

НОВОСТИ В
СФЕРЕ ИКТ

6-БЕТ ➡

«СОТКА»
ОРИДАГИ
ЖИНОЯТ

13-БЕТ ➡

ШАРҚ
ГАВҲАРИ

16-БЕТ ➡



“Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси ўз тармоғи билан бутун мамлакатимиз ҳудудини тўлиқ қамраб олган йирик телекоммуникация операторидир. Компания замонавий технологияларни қўллаган ҳолда аҳолига товушли алоқа, CDMA стандартига асосланган мобил алоқа, маълумот узатиш, телекоммуникация ва телерадиоканалларни ижарага бериш ҳамда уларнинг дастурларини узатиш, энг тезкор ахборот манбаи бўлган интернетдан фойдаланиш каби хизматларни кўрсатиб келмоқда.

3-БЕТ ➡

JUMADAN — JUMAGACHA

✓ **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 3 июл куни Оқсаройда Ислам тараққиёт банки президенти Аҳмад Муҳаммад Али раҳбарлигидаги Араб мувофиқлаштириш гуруҳи делегациясини қабул қилди.**

Суҳбат чоғида ҳамкорликда қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш билан боғлиқ масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди. Шунингдек, араб мувофиқлаштириш гуруҳининг пойтахтимизда Ўзбекистон Республикасининг тегишли вазирлик, идора ва ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида мажлиси ҳам бўлиб ўтди.

✓ **Россия Федерацияси ҳукумати раисининг биринчи ўринбосари Сергей Иванов 3 июл куни Ўзбекистонга келди.**

Юқори мартабали меҳмон 4 июл куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ва Бош вазир Шавкат Мирзиёев билан учрашди. Музокараларда Ўзбекистон-Россия муносабатларининг бутунги аҳволи ва истиқболлари муҳокама қилинди, халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорликни янада кенгайтиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

✓ **Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўнинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди.**

Мажлисида "Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги, "Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси айрим қонун ҳужжатларига баъзи нормаларининг амал қилишини вақтинча тўхтатиб туриш тўғрисида"ги, "Содиқ хизматлари учун" медалини таъсис этиш тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий соҳадаги айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуналари қўриб чиқилди ва маъқуллаанди.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикаси марказий сайлов комиссиясининг таркибига ўзгартишлар киритиш масаласини ҳам қўриб чиқишди, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси марказий банки бошқаруви раисининг Ўзбекистон Республикаси марказий банкнинг 2006 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2006 йил юзасидан ҳисоботини тингладилар ва маъқулладилар. Парламент юқори палатасининг ўнинчи ялпи мажлисида ҳаммаси бўлиб 14та масала қўриб чиқилди, улар юзасидан бўлган музокара-ларда қарийб 50 нафар сенатор сўзга чиқди.

✓ **Бухоро Давлат университетига "Дин ва ёшлар" мавзuida илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.** "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими кенгаши ташкил этган ушбу тадбирга Бухородаги барча олий ўқув юртлири талабалари таклиф этилди. Анжуман доирасида "Тошкент — Ислам маданияти пойтахти", "Ёшлар — юрт келажаги", "Ватан саждадоҳ каби муҳаддасдир" мавзуларидаги маърузалар тингланиб, баҳс-муноза-ралар, давра суҳбатлари ташкил этилди.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳайъатининг мажлисида ик-кита муҳим масала муҳокама қилинди. Йиғилишни Агентлик Бош директори А.Н.Арипов олиб борди.

НОЁБ ИНШООТНИ КЎЗ ҚОРАЧИФИДЕК АСРАЙЛИК!



Кун тартибидagi биринчи масала Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳамасининг 2002 йил 21 октябр-даги «Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Тошкент радиотелевизион узатиш марказининг узлуксиз ишлашини ва хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг бажарилиши ху-сусида РРТМ раҳбари М.Атамуҳаме-дов ахборот берди.

Шуни фахр билан таъкидлаш жоиз-ки, Тошкент телеминораси Урта Осиё-да энг баланд ва ноёб архитектура иншооти ҳисобланади. Шу сабабли мазкур иншоотнинг техник ҳолати ва мавжуд шароитини ҳисобга олиб 2002 йил октябр ойда Ўзбекистон Респуб-ликаси Вазирлар Маҳамасининг «Ўзбекистон алоқа ва ахборотлашти-риш агентлигининг Тошкент радиоте-левизион узатиш марказининг узлук-сиз ишлаши ва хавфсизлигини таъ-минлаш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги махсус қарори қабул қилинди.

Мазкур қарор 1985 йилда ишга ту-ширилган телеминоранинг қарийб 20 йил мобайнида йиғилиб қолган муам-моларини ҳал қилишда жуда катта ёрдам бўлди.

Қарорни бажариш мақсадида РРТМ қошида махсус қурилиш дирекцияси ташкил қилинди ва ўтган давр мобай-нида 3 миллиард 310 миллион сўмлик ишлар бажарилди. Жумладан, теле-минора ўзагидаги кабел йўлагига ва кабел тармоқларининг ёнгина чидам-лигини мустаҳкамлаш, телеминора ҳудудини периметри бўйича видеона-зорат ва қўриқлаш сигнализациясини лойиҳалаш ва ўрнатиш, ташқи ёритиш тизимини таъмирлаш, аҳолига қулай-лик яратиш мақсадида кириш мажму-асини лойиҳалаш ва қуриш, телеми-норадаги асосий истеъмолчиларини авария ҳолатларида таъминлаш учун дизел генераторни лойиҳалаштириш ва ўрнатиш, "Савдо" электр станция-сидан юқори қуллашилши янги электр кабеллини тортиш каби амалга оши-рилди. Ёнгина қарши автоматик сиг-нализация тизимини таъмирлаш ва ре-конструкция қилиш, телеминора хав-фсизлигини таъминлаш учун махсус металлодетекторлар, автоуловларни текшириш учун махсус кўзгулар ва қўрилмалар харид қилинди. Телеми-

HAY'AT YIG'ILISHIDA



норанинг юқори қучланишли (АВР-10) тизими ҳам тўлиқ таъмирланди.

Шунингдек, телеминоранинг пой-девори, асоси ва тиргакларини техник кўриқдан ўтказиш, метрополитен ҳаракатининг телеминорага таъсири-ни тадқиқ қилиш, унинг химоя тизими учун турикет, махсус анжонлар харид қилиш, ёнгина қарши автоматик ўт ўчириш тизимини, 93 метрдан 220 метргача баландликда жойлашган тех-ник хоналарини капитал таъмирлаш, ёнгина қарши авария ҳолатлари учун махсус пирсини қуриш, 98, 115 ва 220 метр баландликларида ёнгина қарши тўсиқларни ўрнатиш, телеминора ҳуду-дида ташқи сув таъминот ва канализа-цияни капитал таъмирлаш, унинг ички ҳудудини ободонлаштириш соҳалари-да ҳам кўпгина ишлар амалга ошири-лди. Умуман олганда, қарор бўйича мўлжалланган ишларнинг барчаси 29 та бандни ташкил қилган бўлса, бу-лардан 22таси тўлиқ бажарилди, 2таси қисман, яна 2таси бажарилиш арафа-сида, 3та банди эса бажарилмаган.

— Мамлакатимиз фахри бўлган телеминорамизни кўз қорачигидай ас-раш барчамизнинг бурчимиздир. Бу ноёб иншоотни таъмирлаш, атрофини обод қилиш билан бирга уни ҳар хил хавфдан эҳтиёт қилиш лозим, — деди муҳокама чоғида Агентлик Бош дирек-тори А.Арипов. — Масалан, афғон май-налари. Бу зараркунандаларга қарши кескин кураш олиб борилмаса, улар телеминорага киши билмас жуда кат-та зарар етказиши мумкин.

КУТУБХОНА — НУРХОНА



Кун тартибидagi иккинчи масала — Ўзбекистон Республикаси Президен-тининг 2006 йил 20 июндаги «Респуб-лика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида»ги қарорининг Ахборот-ку-тубхона марказларида бажарилиши ҳақида РАКМ директори А.Ишматов-нинг ахбороти тингланди.

— Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги тасарруфидида Қорақалпоғистон Республикаси, 12 та вилоят ва Тошкент шаҳрида ахборот-кутубхона марказлари ташкил этилди. Улар фаолиятини бошқариш ва мувофиқлаштириб бориш мақсадида Агентлик таркибидида Республика ахборот-кутубхона маркази ташкил этилди, — деди маърузачи. — АКМларнинг расмий, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари ишлаб чиқилди ва тегишли ташкилот-лар томонидан тасдиқланди.

2006 йил август ойда АКМларнинг раҳбарлари ва бош ҳисобчилари учун республика аҳолисига ахборот-кутуб-хона хизматини ташкил этиш ва унинг таъминоти ҳақида, 20 декабрда АКМ раҳбарлари ва бош ҳисобчилари учун йиллик ҳисоботларни тайёрлаш ва уни тақдим этиш тартиби, мuddати, тан-лов натижалари, келгуси вазифалар юзасидан семинар ўтказилди.

2006 йил 18-22 октябр кунлари Хо-разм вилоят АКМ негизидида "Фан, таъ-лим, маданият ва бизнес соҳасида Интернет ва қутубхона-ахборот ресур-слари" мавзусида Халқаро конферен-ция бўлиб ўтди.

2006 йил ноябр ойда АКМлар хо-димлари танловдан ўтказилди. 492 ходимдан 61та ходим аттестациядан шартли равишда ўтказилди.

Ўтган давр ичида АКМларнинг 242та ходими Ўзбекистон Миллий ку-тубхонасида ва мўлжалланган мах-сус ўқув дастури асосида "Компьютер ва қутубхоначилик хизмати асосла-ри" курсидан Тошкент ахборот тех-нологиялари университети ва унинг Қорақалпоғистон, Фарғона, Самар-қанд ва Қашқадарё филиалларида малака оширдилар.

Фан, техника ва маркетинг тадқи-қотлари маркази билан Республика ахборот-кутубхона маркази ҳамкорлик-да АКМ ва АРМларининг ўзаро ҳам-корлиги тартибини ўрнатиш бўйича раҳбарлик ҳужжати тайёрланди.

Маърузада ҳали бажарилиши за-рур бўлган ишлар ҳам оз эмаслиги айтиб ўтилди. Қутубхоначилик иши, наشريётчилик ва архив иши соҳа-сида стандартлар ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш бўйича ишчи гуруҳи фаолиятини кучайтириш, таъ-мирталаб АКМлар биноларини таъ-мирдан чиқариш, бунинг учун давлат бюджетидан ташқари, ҳомийларни ҳам жалб этиш бўйича ишларни таш-кил этиш, АКМлар ходимларининг ма-лакасини ошириш, қайта тайёрлаш ишларини кучайтириш қабилар шу-лар жумласидандир.

Қўрилган масалалар юзасидан те-гишли қарорлар қабул қилинди.

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ах-борот ва коммуникация технологи-ялари масалалари қўмитасининг «Почта алоқаси тўғрисида»ги қонуннинг «Ўзбекистон почтаси» очик акциядор-лик жамияти тизимидаги ижросига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда номи қайд этилган қонун ижросини таъминлаш бораси-

да «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ томи-нидан муайян ишлар амалга ошири-лаётгани таъкидланди. Хусусан, жа-мийат тизимида мамлакат почта ало-қаси тармоғи ва шахобчаларини за-монавийлаштириш, ахборот-комму-никация технологиялари негизида хизматларининг янги турларини жо-рий қилиш, почта хизмати сифатини ошириш, халқаро почта алоқаларини ривожлантириш ҳамда фойдаланув-чиларнинг талабларини қондиришга оид ишлар изчил олиб борилмоқда.

Жумладан, «Алоқабанк» акциядорлик тижорат банки ва бошқа банклар-нинг пластик қарточкалар орқали тўловларни қабул қиладиган 88 тер-минали шартнома асосида ўрнати-либ, мижозларга самарали хизмат қўрсатишмоқда. Худудий филиаллар-нинг почта объектлари қошида 24та Интернет-кафе фаолият юритмоқда.

Шу билан бирга, бу борада йўл қўйилган айрим камчиликларга ҳам эътибор қаратилиб, уларни бартараф этиш лозимлиги таъкидланди.

AXBOROTLASHTIRISH TIZIMI

Пойтахтимиздаги «Kedeman Silk Road» меҳмонхонасида «Ўзбектелеком» АК акциядорларининг навбатдаги умумий йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори, компания Кузатув кенгашининг раиси А.Арипов олиб борди. Йиғилишда компаниянинг 2006 йилдаги молиявий-хўжалик фаолияти якунлари ва 2007 йилдаги истиқболли режалар кўриб чиқилди.

ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА

Йиғилиш аввалида Санок комиссияси раиси Икром Исмоиловга сўз берилди. Санок комиссияси раиси йиғилишда 99,9 фоиз акциядорлар қатнашаётганини маълум қилди.

Кузатув кенгашининг раиси мажлисни очик деб эълон қилгач, олти кишидан иборат Ишчи хайъати, икки кишидан иборат Котибият ва уч кишини жамлаган Санок комиссияси сайланди. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши регламенти тасдиқлаб, сўз «Ўзбектелеком» АК бош директори Х.Мухиддиновга берилди. Маърузачи компаниянинг 2006 йил якуни бўйича молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисида ҳисобот берди.

— «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси, — деди Х.Мухиддинов, — ўз тармоғи билан бутун мамлакатимиз ҳудудини тўлиқ қамраб олган йирик телекоммуникация операторидир. Компания замонавий технологияларни қўллаган ҳолда аҳолига товушли алоқа, CDMA стандартига асосланган мобил алоқа, маълумот узатиш, телекоммуникация ва телерадиоканалларни ижарага бериш ҳамда уларнинг дастурларини узатиш, энг тезкор ахборот манбаи бўлган интернетдан фойдаланиш каби хизматларни кўрсатиб келмоқда.

Компаниянинг маҳаллий телекоммуникациялар тармоғи 1,9 миллион рақамли сифимга



эга бўлган икки мингдан ортиқ АТСни ўз ичига олади. Транспорт тармоғи оптик толали ва SDH технологияларига асосланган рақамли радиорелели алоқа линиялари ёрдамида ташкил этилган. Халқаро каналлар эса йўлдошли ва оптик толали алоқа линиялари асосида йўлга қўйилган бўлиб, жаҳоннинг деярли барча мамлакатлари билан алоқа ўрнатилган имконини беради.

Ўтган 2006 йилда кўрсатилган хизматлардан олинган даромад 154,9 млрд. сўмни ташкил этди. Умумхўжалик фаолиятдан олинган фойда 8,1 млрд. сўмга, соф фойда эса 3,5 млрд. сўмга етди.

Компаниянинг маҳаллий телефон тармоғида асосий телефон аппаратлари сони 2006 йил якунига қўра 28,5 мингтадан ошди.

Ҳисобот даврида қатор лойиҳалар амалга оширилди. Хусусан, Тошкент, Андижон, Наманган, Фарғона, Сирдарё, Жиззах ва Самарқанд вилоятларида аналог телефон станцияларини рақамли станцияларга алмаштириш ишлари бажарилди. JBIC лойиҳаси доирасида 1000 километрдан зиёд зона ичи оптик толали алоқа линиялари қўрилди ва EDCF обектлари бўйича ишлар тугатилди.

Мамлакатимиз Президен-

тининг 2007 йил 23 январдаги «Ўзбектелеком» АК телекоммуникация тармоқларини янада ривожлантириш ва модернизация қилиш тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ Хитойнинг тараққиёт банки ва АТ «Алоқабанк» томонидан лизинг асосида телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш ва модернизация қилиш лойиҳасини амалга ошириш ишлари бошлаб юборилган.

Мазкур лойиҳа бўйича Хитой тараққиёт банки ва «Huawei



Technologies Co Ltd» компанияси иштирокида умумий қиймати 21 283,7 минг АҚШ доллари тенг инвестиция лизинг асосида амалга оширилиб, ундан қўзланган мақсад «Ўзбектелеком Мобайл» филиалининг CDMA-450 стандартидаги мобил алоқа тармоғини кенгайтириш; Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари, Фарғона ва Жиззах шаҳарларининг транспорт алоқа тармоғини реконструкция қилиш; Тошкент шаҳар телекоммуникация тармоғини NGN (Янги авлод тармоқлари) ва TDM (каналларни вақт бўйича ажратиш) технологияларини қўллаган ҳолда модернизация қилиш ва ривожлан-

тириш; Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари коммуникация тармоғини реконструкция қилиш; «Ўзбектелеком» АК коммуникация станцияларини реконструкция қилишдан иборат. Ушбу лойиҳаларнинг амалга оширилиши натижасида эскирган аналогли телефон станциялари замонавий рақамли телефон станцияларига алмаштирилади. Бу эса, ўз навбатида, кўрсатилаётган алоқа хизматлари турларининг ошишига ҳамда ва сифат даражасининг яхшиланишига замин яратади. Энг муҳими, аҳоли ҳамда халқ хўжалигининг турли тармоқларида алоқага бўлган эҳтиёж янада тўлароқ қондирилишига эришилади.

Йиғилишда кун тартибидagi масалалар юзасидан «Ўзбектелеком» АК бош хисобчиси Ф.Ҳайдарова, компания Тафтиш комиссияси раиси В.Каримова, бош директор ўринбосари Ш.Содиқов, бош ҳуқуқий маслаҳатчиси Р.Хурсанов, Кузатув кенгаши аъзоси Р.Исаевлар маъруза қилишди. Маърузалардан келиб чиқиб, акциядорлар компаниянинг 2006 йил бухгалтерлик баланси ва йиллик ҳисоботи, 2006 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни бўйича тафтиш комиссия ҳулосасини, 2007 йил Бизнес-режасини, 2007 йилги аудиторни, «Ўзбектелеком» АКнинг янги тахрирдаги Низомини тасдиқлаб, Кузатув кенгашининг янги таркибини сайлашди, муҳокама этилган масалалар бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Эришилган ютуқлар келгуси фаолият пойдевори эканлиги таъкидланди. Шунингдек, «Ўзбектелеком» АК бош директорини ишга ёллов шартномаси ҳам муҳокама этилди. Компания бош директори этиб яна Ҳаким Асрорович Мухитдинов тасдиқланди.

Қўрилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши якунланиши билан «Ўзбектелеком» АК Кузатув кенгаши янги таркибда ўзининг биринчи йиғилишини ўтказди.

ALOQA KORXONALARIDA

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан телекоммуникациялар соҳасида фаолият олиб боровчи корхоналарда MC ISK 9001 асосида халқаро стандартларнинг жорий этилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Соҳанинг айрим корхоналари қатори Электромагнит мослашув маркази (ЭМММ) ҳам 2005 йилдан бошлаб MC ISK 9001 талабларига жавоб берадиган сифат менежменти тизимини жорий қилишга киришганди.

Авваламбор, ЭМММ ходимлари «MC ISO 9000 тизимини жорий этиш», «ISO 9001 тизими стандарти базасида ўқув» ва «Ички аудит» курсларида ўқитилди. Марказда Сифат менежменти тизимини ишлаб чиқиш, амалиётга жорий қилиш учун ишчи гуруҳи тузилиб, сифат бўйича менежер ва раҳбарият вакили тайинланди. Шунингдек, ички аудиторлар гуруҳи ва жараён раҳбарлари

ХАЛҚАРО ДАРАЖАДАГИ БОШҚАРУВ

Электромагнит мослашув марказига топширилган Сифат менежменти тизими сертификатлари бунни тасдиқлайди

аниқлаб олинди. Иш жараёнида ЭМММнинг барча ходимлари фаол иштирок этишиб, уларнинг ҳар бири ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди.

Раҳбариятнинг қўллаб-қувватлаши, жамоанинг фаоллиги ва маслаҳатчиларнинг кўмаги бошланган ишларни 2007 йилда ниҳоясига етказиш имконини берди.

Бугунги кунда Электромагнит мослашув маркази фаолиятининг мутаффақиятини таъминлаш учун ISO 9001:2000 халқаро стандарти талабларига жавоб берадиган Сифат менежменти тизими нафақат жорий этилган, балки ишчи ҳолатда турибди. Мазкур сифат тизими марказнинг барча бўлиmlари фаолиятида ҳам йўлга қўйилган.

Шу йилнинг апрел ойида сертификатлаш органларидан тижорий тақлифлар олинди. Телекоммуникация ва алоқа соҳасида орттирилган тажри-



бага таяниб ҳамда «Сифат менежменти тизимининг ички аудитори» ўқув курсини тинглар ҳолда сифат бўйича менежер этиб Швейцариянинг «SGS Tashkent Ltd» сертификатлаш органи танланди. Шу йилнинг 8-11 май кунлари «SGS Tashkent Ltd» томонидан MC ISO 9001:2000 талаблари бўйича Сифат менежменти тизими-

да сертификатлаштирилган аудит ўтказилди. Якуний натижаларидан келиб чиқиб, аудиторлар ЭМММ Сифат менежменти тизимини сертификатлашга тавсия қилди.

Шу йилнинг 3 июл кунини Электромагнит мослашув маркази мажлислар залида Сифат менежменти тизими сертификатларини марказга тантанали

равишда топшириш маросими ўтказилди. Унда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директорининг ўринбосари М.Сангилов, Ўзбекистон Республикаси Радиостоталар бўйича давлат комиссияси раиси ўринбосари М.Халмуратова, Агентлик бўлими бошлиқлари, ЭМММ мутахассислари ва бошқалар иштирок этишди.

Маросимда сўзга чиққанлар бугунги кунда радиостоталар спектрининг ўрни тобора ошиб бораётгани, симсиз алоқанинг жадал суръатларда тараққий этаётгани ва бундай тараққиёт радиостоталардан фойдаланишга рухсат берувчи, электромагнит мослашув ва радиочастота спектри мониторингини таъминловчи орган ҳисобланган ЭМММ давлат унитар корхонасига катта масъулият юклатини таъкидлашди. Ушбу масъулиятли вазифаларни бажаришда марказ жамоасига мутаффақиятлар тилашди.

«SGS Tashkent Ltd» сертификатлаш органи менежери А.Махмудов Электромагнит мослашув маркази бошлиғи Р.Мансуровга Сифат менежменти тизими сертификатларини топширди.

Мазкур сертификат ЭМММ бошқарувининг халқаро даражага кўтарилганини тасдиқлайди.

Лутфилло ТУРСУНОВ

ҲН ЕТТИ ОЙ МАХСУС КАМЕРАДА

Европа космик агентлиги Кизил сайёра — Марсга учини хохловчилар учун танлов эълон қилди. Бўйи 185 сантиметрдан юқори бўлмаган, 25-50 ёшлар ораллигидаги 12 нафар талабгор махсус лойиҳада иштирок этиб, мураккаб синовлардан ўтиши лозим бўлади.



Марсга сайёҳат 17 ой давом этиши ҳисобга олинган ҳолда танлаб олинган экипаж аъзолари Москвадаги илмий-тадқиқот институтининг изоляцияланган камерасида шунча муддат яшайдилар. Ҳамма томони ёпиқ камерадаги шароит худди Марсдагидек бўлиб, у ерда яшовчилар ташқи олам билан фақат радиоалоқа ёрдамида боғланиладилар. Шуниси диққатга сазоворки, радиоалоқалар манзилга худди Кизил сайёрадагидек 40 дақиқадан сўнг етиб боради.

УМУММИЛЛИЙ ИШ ТАШЛАШ

"АФР" ААнинг хабарига кўра Буюк Британиянинг қироллик почтаси ходимлари умуммиллий иш ташлаш ўтказдилар. Унда 130 мингга яқин почта ходими иштирок этди. Ходимлар кенг миқёсда амалга оширилиши режалаштирилган иш ўринлари қисқаришига норозилик билдириш билан бирга маошлар оширилишини ҳам талаб қилдилар.



Британия ҳукуматининг кейинги икки йилда 2500та почта бўлимини ёпишни мўлжаллаётгани ҳақидаги баёноти ушбу норозиликларнинг бошланишига сабаб бўлди. Маълум бўлишича, 195 минг киши ишлайдиган мамлакат почтаси ҳафтасига 4 миллион фунт-стерлинг миқдоридан зарар кўрмоқда. Бу кейинги икки йилдаги кўрсаткичдан икки марта орттиқди.

БИРГАЛИҚДА МУҲОКАМА ЭТИЛАДИ

Эроннинг ядровий дастури доирасидаги баҳс-мунозаралар тўхтамапти. Россия ва АҚШ мазкур дастур бўйича барча ишлари биргаликда муҳокама қилишга келишиб олдилар.



Маълумки, АҚШ ҳукумати ҳамон Эроннинг ядро дастурига норозилигича турибди. Эрон Ислом Республикаси эса бу дастур тинч мақсадга йўналтирилганини қайта-қайта таъкидламоқда.

БОШ ҚАРОРГОХ ҚАЙТА ТАЪМИРЛАНАДИ

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бош қароргоҳини қайта таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди. Бинони реконструкция қилиш илгари "Озодлик" хайкали ва "Тожмаҳал" мажмуасини таъмирлаш ишларига бош-қош бўлган ню-йорклик меъмор Майкл Адлерштейн зиммасига юклатилди.



Бинони капитал таъмирлаш ишлари учун 1,88 миллиард доллар ажратилган.

2014 ЙИЛГИ ОЛИМПИАДА СОЧИДА ЎТАДИ

Халқаро Олимпия Кўмитасининг Гватемалада ўтган 119-сессиясида 2014 йилда ўтказиладиган Қишки Олимпия уйинлари пойтахти этиб Россиянинг Сочи шаҳри эълон қилинди.



Сохи шаҳри ушбу ном учун курашда Жанубий Кореянинг Пхенчхан ва Австриянинг Залцбург шаҳарларини ортда қолдирди.

Бугунги кунда алоқа ва ахборотлаштириш соҳасининг меъёрий-ҳуқуқий асослари яратилиб, замон ва тараққиёт талаби билан пешма-пеш мукаммаллаштирилиб бориламоқда.

1256-1 рақам билан давлат рўйхатидан ўтказилган "Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш қоидалари"га киритилган ўзгаришлар ва қўшимчалар асосида "Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш қоидалари"га ўзгаришлар киритилиб, ишлов берилмаган. Хизмат кўрсатиш жойларида мижозлар учун осиб қўйилган маълумотлар миқдори тўлиқ эмас.

ларини лицензиялаш тўғрисида"ги қонунининг 11-модда 2-қисми, Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги 458-сон Қарори билан тасдиқланган "Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида"ги Низомининг 4 ва 5.5 бандлари талаблари бузилган. Текширилган алоқа тармоқлари МТФ-4, МТФ-16, 10н, 10нс-шакл ва 16-шакл бланкалари билан таъ-

МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАР

Уларга риоя ва амал қилиш зарур

Мазкур ҳужжатлар аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, қолаверса, ишлар ва хизматлар хавфсизлигини таъминлаш процедураларини белгилайди ва ҳўжалик юритувчи субъектлар ўз фаолиятида улардан қўлланма сифатида фойдаланиши зарур. Афсуски, айрим ҳўжалик юритувчи субъектлар ушбу ҳўжат талабларига риоя қилмайди. Оқибатда эса улар фаолиятида жиддий камчиликларга йўл қўйилляпти. Бу яна бир бор Қашқадарь виллояти Давлат алоқа инспекцияси томонидан "Универсал таъмир таъминот" ишлаб чиқариш корхонаси, "Ўзбекистон почтаси" очик акциядорлик жамияти Қашқадарь филиали, "Қарши телевидение" ижодий ишлаб чиқариш бирлашмасида ўтказилган режали текширишлар жараёнида ўз исботини топди.

Ўтказилган текшириш жараёнида шу нарса аён бўлдики, "Универсал таъмир таъминот" ишлаб чиқариш корхонаси Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан 2004 йилда шаҳарлараро, кўчма радиоалоқа ва маҳаллий тармоқларни қуриш фаолият турларига берилган лицензиялардан фақат маҳаллий тармоқларни қуриш фаолияти билан шугулланган ва ўрта объектада субпудрат ишлари бажарилган. Бош лойиҳачи ва буюртмачи билан ўзаро келишувсиз бажарилган ишларга ўзгаришлар киритилган ва баённомаларсиз амалга оширилган. Кўринмас ишлар далолатномалари тузилмаган.

Корхонага қиришда унинг фаолиятига тааллуқли маълумотлар ёзилган пешлаваҳа осилмаган. Бу билан Ўзбекистон Республикасининг "Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг 5-модда, 2-қисми, яъни: "сотувчи (ижрочи) ўз ташкилотининг фирмаси, унинг жойлашган (юрдик) манзили ва иш тартибини истеъмолчи маълум қилиши шарт. Бундай маълумот лавҳада акс эттирилиши лозим" талаблари бажарилмаган.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Қашқадарь филиали текширилганда 285та алоқа бўлимидан 92таси телефонлаштирилмаган. Косон ва Муборак почта алоқаси тармоқларидаги бош хазиналарда тўсатдан ўтказилган текширишда хазина қолдиғи тўғри чиқарилмаганлиги аниқланди. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигинда 2006 йил 23 июнда

Филиалнинг Қарши шаҳар почта ишлаб чиқариш участкаси, Шахрисабз, Касби почта алоқаси тармоқларида ўтказилган текширишлар жараёнида бир қатор қонунбузилиш ҳолатлари ва камчиликлар аниқланди. Жумладан, Қарши шаҳар почта ишлаб чиқариш участкасида 2007 йил 31 январ кун

учтадан фармойиш ва чиким ордерлари билан урта алоқа бўлимига мадад пуллари юборилган. 2007 йил 28 феврал кун иккитадан фармойиш ва чиким ордерлари билан иккита алоқа бўлимига мадад пуллари юборилган. Бу билан Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигинда 904 рақам билан рўйхатга олинган "Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигининг почта алоқаси бўйича эксплуатация корхоналарида касса операцияларини юритиш қоидалари"нинг 73-банди талаблари бузилган. 33 механиз ва иккита электрон ўлчов восита (тарози)лари носоз ҳолатда. Тарифларни нотўғри қўллаш (кам ҳақ олиш), пенсия тўловларини 15 фоизгача эгаларига тўламаслик ҳолатлари мавжуд. Қарши шаҳар почта ишлаб чиқариш участкасига қарашли олти алоқа бўлимида содир этилган ўзлаштириш 15-шакл алоқа (почта) идоравий статистик ҳисоботиға киритилмаган, ҳисоботлар ҳисобот даври охириги ойининг 15-санасида филиалға тақдим этилган ва ҳаққонийлиги таъминланмаган.

Қарши почта ишлаб чиқариш участкасиға қарашли интернет хонаси ва жиҳозлари фуқаро Жасур Амировға ижараға берилган ва ЎзААА томонидан "Ўзбекистон почтаси" ОАЖға 2001 йил 25 майда ва 2006 йил 26 майда амал қилиш муддати 2011 йил 26 майгача узайтирилган маълумотлар узатиш тармоғини лойиҳалаш, қуриш, фойдаланиш ва хизмат кўрсатиш фаолият туриға берилган лицензиядан бошқа шахс томонидан фойдаланилишиға йўл қўйилган. Бу билан Ўзбекистон Республикаси "Телекоммуникациялар тўғрисида"ги қонунининг 9-моддаси, "Фаолиятининг айрим тур-

минланмаган. Коммунал тўловлари учун қабул қилинган пулга нисбатан ортик пул маблағларини тегишли ташкилотта ўтказиб берилишиға йўл қўйилган.

"Қарши телевидение"и ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси биносига килишда ҳам субъект номи ёзилган пешлаваҳа мавжуд эмас. Фуқаролар муурожаатлари билан ишлаш йўлга қўйилмаган. Объектни қўриқлаш ва хавфсизлигини таъминлаш тўғрисидаги 2005 йил 18 июлдаги "Ин-

струкция по обеспечению охраны и безопасного функционирования объектов негосударственного телерадиовещания" йўриқномасининг 2.10-банди ва лицензия битимининг 4.3-банди 5-хатбошти талаблари бажарилмаган ва лицензия битими талаблари асосида ишлар ташкил этилмаган. Техника хавфсизлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ишлар етарли бажарилмаган ва босқичли назорат амалға оширилмаган, фаолиятда зарур бўлган норматив ҳужжатлар билан таъминланмаган. Телевидение биносини қўриқлаш ва хавфсизлиги бўйича объект эгалари иштирокида идоралараро комиссия МХХ, ИИБ, ёнғин хавфсизлиги хизмати, телерадиокомпания, алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ва килилари иштирокида қўриқдан ўтказилиб, далолатнома тузилмаган. Санитария-гигиена қоидалари талабларига жавоб бериши тўғрисида Давлат санитария ва эпидемиология назорат марказининг ҳулосаси мавжуд эмас.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Қашқадарь филиали директор ўринбосари текширишда аниқланган камчиликлар, алоқа хизматининг сифатиға доир нормаларға риоя этилмаганлиги учун маъмурий жавобгарликка тортилди ва иш ҳақидан жарима ундирилди. Камчиликларни бартараф қилиш бўйича текширилган ҳўжалик юритувчи субъектларға кўрсатмалар берилиб, бажарилиши назоратта олинди.

Қўнонжон ЁРОВ,
Қашқадарь виллояти
Давлат алоқа инспекцияси
бошлиғи

“Ижтимоий ҳимоя йили” Давлат дастурига мувофиқ **“Бухоро Телеком”** филиали бўйича ҳам қатор тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида ёлғиз пенсионерлар, ногиронларни телефон алоқаси билан таъминлаш даражасини ошириш бўйича бир қатор ишларнинг бажарилганлиги бунинг исботидир.

Жумладан, ёлғиз пенсионер ва ногиронлардан 20 нафарининг хонадонларига филиал маблағлари ҳисобидан телефон ўрнатилганлиги аҳолининг айнан шу қатламлари огирини енгил, узоғини яқин қилди.

Бухоро шаҳрида истиқомат қилувчи Анна Сулаймонова, Валентина Алексеева, Флора Истомина, Татьяна Дякова, Мария Долгова, Ёлғизовон туманида яшовчи Хосият Курбонова,

Дуо

Махфират Ҳамидова, Владимир Поляков, Сокина Фаттуллаева, Бибиражаб Курбонова, Татьяна Стукова, Руқия Раҳмонова, Ойсара Тўхтамишева, Вобкент туманида умр-

гузаронлик қилаётган Марям Ишукова, Мавлуда Бозорова, Лидия Андреева, шофирконлик Олим Нормуродов, Қоравулбозор туманидаги Қуттигул Содирова, Геннадий Сосновский, қорақўллик Тўхта Каримовлар ана шундай имтиёз учун ташкилотчиларни дуо қилишмоқда.

Филиал томонидан эҳтиёжманд кишиларга кўрсатилаётган амалий ва бегараз ёрдам

бу билан чекланмайди. Ўтган ярим йил ичида 100 нафарга яқин фуқаро хонадонига имтиёзли равишда телефон ўрнатилиб, ушбу мақсадлар учун корхона ҳисобидан 1 044 000 сўм сарфланди. 1235 кишининг абонентлик тўлови ҳам филиал ҳисобидан амалга оширилди.

Ўтган давр ичида филиал маблағлари ҳисобидан жами 2 965 000 сўмликдан ортиқ имтиёзли телекоммуникация хизматлари кўрсатилди. Бу борадаги ишлар доимо давом этади.

Асқар ИСТАМОВ,
«Хабар»нинг Бухоро вилоятидаги мухбири

Бизнес оламига... бепул!

Андижон бизнес маркази Германия элчихонаси кўмаги билан бепул ўқув курсини йўлга қўйди. Беш нафардан йилгит ва қизлар тўрт ҳафта мобайнида ҳунар ўрганадилар.

— Асосий мақсадимиз ўзбек хонадонларининг оила бюджетига кўмак бўладиган замонавий ҳунарларни ўргатишдир, — дейди ташкилотчилардан бири, германиялик доктор Зигрид Жордан хоним. — Ўзбекистонда мева-сабзавотлар, зираворларнинг тури шунчалик кўпки, улардан мазали ва енгил тамаддиларни тезкорлик билан тайёрлаш ҳамда ҳўрандаларга тақдим этишининг сирлари кўп. “Германия ошхонасига ташриф” кичик дастуриимиз ана шундай қўлайликни туғдира олади, деб ўйлайман.

Одатда, бизнес ва ҳунар ўргатиш курсларининг мақсади даромад топиш бўлади. Билим бериш албатта тегишли тўловдан сўнг амалга оширилади. Андижон бизнес маркази ташкил этган мазкур курсда эса бунинг бутунлай акси.

— Ортимизда кам таъминланган, муҳтож оилаларнинг борлиги сир эмас, — дейди марказ раҳбари Турсунбой Қосимов. — Ана ўшаларга ўз бизнесларини яратиш учун “туртки бериш” — асосий гоя. Германия элчихонасининг бегараз кўмаги билан ташкил этилаётган курсларимизда оиланинг атиги бир аъзоси ҳунар ўрганиб олса, кифоя. Қўлганларига ўзи “юктиради”. Қизиғи шундаки, курсларда фақат битта эмас, уч-тўрт хил бизнесбон ҳунарлар ўргатилади.

Доктор Зигрид Жордан хонимнинг таъкидлашча, келгусида ҳатто чиқиндиларни ҳам ташлаб юбормасдан қайта ишлаш сирларини ўргатиш ниятлари бор. Чиқиндилардан ҳеч бўлмаганда, томорқалар учун ўғит тайёрлаш мумкин экан.

Муҳаммадқодир ОТАХОНОВ,
«Хабар»нинг Андижон вилоятидаги мухбири

Ҳозирги кунда филиалимизга қарашли 115та координатли автомат телефон станцияси ишлаб турибди. Бу станциялар фаолияти ахборотлаштириш асри талабларига жавоб бермаслиги ойдек равшан. Шу боис, уларни босқичма-босқич замонавий рақамли станцияларга алмаштириш олдимизда турган долзарб вазифа ҳисобланади.

Қўлайлик

Қувонарлиси, ушбу зарур жараён сари дастлабки ишлар бошлаб юборилди. Белгиланган тадбирга мувофиқ жорий йилда 10та координатли АТСни замонавийлаштиришга эришамиз.

Туманининг Охунбобоев номидаги ҳўжалик қишлоқ автомат-телефон станцияси замонавий рақамли станцияга алмаштирилди. Эндилекда 160 рақамли бу станция мижозларга бир неча турдаги хизмат кўрсатишга эришмоқда. Шундай янгилик Шўрчи туманида ҳам йўлга қўйилди. Шўрчи дон маҳсулотлари корхонаси ҳам 112 рақамли янги электрон станциядан фойдалана бошлади.

Мухими шундаки, мижозлар кечаю кундуз шаҳарлараро ва халқаро сўзлашувга тўғридан-тўғри чиқиш имкониятига эга бўлишди. Қўшимча алоқа хизмати кўрсатиш афзалликлари яққол билинмоқда. Айниқса, қизматнинг “Қисқа териш”, “Қўнғирок”, “Эслатма”, “Автожа-воб”, парол орқали шаҳарлараро алоқадан фойдаланиш каби замонавий турлари қишлоқлар аҳлини мамнун этмоқда. Яна бир афзаллик шундаки, электр энергияси таъминотида узилишлар содир бўлса,

рақамли станция маълум муддат ўз батареяси қуввати билан ишлаб туради.

Айни пайтда Термиз шаҳри ва вилоятнинг жанубий ҳалқасида жойлашган туманлардаги аналогли АТСларни Хитойнинг “Хуавей” компанияси электрон АТСларига алмаштириш йўлидаги ишлар жадал олиб боришмоқда. Яқин вақт ичида Қарши-Термиз-Бойсун-Бандихон-Қизилқирғиз-Шеробод-Ангор-Учкизил АТСлари ўртасидаги айланма оптик-толали алоқа тизими қурилиши ниҳоясига етказилади. Барча телекоммуникациялар боғламаларида электрон АТСларни ўрнатиш учун тегишли хоналар шай ҳолга келтириб қўйилди. Зарур жиҳозлар ўрнатиб бўлингач, 22 минг рақамли электрон АТС сизимига эга бўлган имкониятдан кенг фойдаланишга эришилади.

Хўшбўқ КЕЛДИЁРОВ,
“Сўрхондарё Телеком”
филиалининг телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш ва ишлатиш бўлими бошлиғи

Иқтисодчи опа

Раъно Раимова Нукус шаҳридаги мактабни тугатиб, 1975 йилда электр тармоқлари идорасига ҳисоблаш машинаси оператори вазифасига ишга келганида келажакда иқтисодчи бўламан деб ўйламаган ҳам эди. 1980 йили алоқа корхонасига ишга киргач эса унда иқтисодчилик касбия қизиқиш уйғонди.

Режа-иқтисод бўлими бошлиғи Нина Корчагина ёш мутахассисдаги иқтисодчиликка бўлган иқтидорни англай билди. Соҳанинг сир-асрорларини эринмай ўргатди. Албатта, устоз-шоғирдлик ўз самарасини берди.

Раъно Тошкент шаҳрида малака ошириш курсларида ўқиди ва катта ҳаётий тажриба эгаси, малакали иқтисодчи Лидия Фараджаевдан иқтисоднинг энг нозик сирларини ўрганди. Нукусга қайтиб келгач, билим ва қўникмаларини мустаҳкамлаш мақсадида Нукус давлат университетига ўқиди ва иқтисодчи-муҳандис мутахассислигига эга бўлди.

У 1984 йили алоқа корхонасининг режа-молия бўлимида иқтисодчи, сўнгра катта иқтисодчи вазифаларида ишлади ва ўз тажрибасини орттириб борди. Ҳозирги кунда “Қорақалпоқ Телеком” филиалида иқтисод-молия масалалари бўйича директор ўринбосари вазифасида ишлаб келмоқда. Шоғирдлари — Гулнара Турмагамбетова, Ирина Терлова-лар у билан ёнма-ён меҳнат қилишмоқда.

Унинг меҳнатлари муносиб баҳоқилиб, “Фахрий ёрлик”лар, пул мукофотлари билан тақдирланган. 2002 йилда эса “Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган иқтисодчи” унвонига сазовор бўлган.

Раъно Раимова яқинда 50 ёшга тўлди. Биз тажрибали иқтисодчиға эллик ёшнингиз кўтлуг бўлсин, азиз ҳамкасбимиз деймиз.

Раҳимжон БОЛТАБОВЕВ,
«Хабар»нинг Қорақалпоғистондаги мухбири

TATU FILIALLARIDA

Талабаларга талаб катта

Тошкент ахборот технологиялари университети Урганч филиалида бошқарув ва маълумотларни қайта ишлашнинг автоматлаштирилган тизими мутахассислари тайёрланмоқда. Улар ўқиш жараёнида ишлаб чиқариш, савдо ва бизнесни юритиш учун турли дастурлар тайёрламоқдалар.

TATU Урганч филиали директори, техника фанлари номзоиди Мақсуд Шариповдан етук мутахассислар етказишдаги ютуқлар ҳақида сўраганимизда, у шундай деди: — Жорий йилда “биринчи қалдирғоч” сифатида 8 нафар талабамиз магистратурани тамомламоқда. Улардан тўрт нафари бизнинг филиалимиз ва Урганч давлат университетига ўқитувчи сифатида ишга қабул қилинади. 42 талаба бакалавр даражасига эга бўлиб,

уларнинг деярли ярми магистратурада ўқишни давом эттириш ниятида. Қолганлари турли корхона ва ташкилотларга ишга боришади.

Дарвоқе, Хоразмдаги кўпгина корхона ва ташкилотлар Урганч филиалини битираётган талабаларни ишга қабул қилиш истагини билдиришди. Масалан, “Урганчтрансгаз” шўъба корхонаси танлов асосида ўн нафар мутахассисни ишга олишга талабдор. “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Хоразм филиалига икки мутахассис зарурлиги маълум бўлди. Хоразм телевидениеси етти компютерчини ишга олади. Шунингдек, “Хоразм Телеком” филиали, “Uzdnrobita”, “Unitel”, “Buzton” корхоналари ва вилоятдаги интернет хизмати кўрсатувчи корхоналар ҳам иқти-

дорли дастурчи муҳандисларга «на-вбатда» туришибди.

— Магистратурада ўқишни давом эттироқчиман, — дейди биз билан суҳбатда бакалавр дипломини олаётган Зиеда Хўжаева. — JavaScript, HTML, MySQL ва бошқа дастур тилларида ишлайман. Мен дастур тузиш асосини биламан, лекин ҳозирча юқори даражани эгаллаганимча йўқ. Шунинг учун ҳам малакамни оширишга қарор қилдим. Магистратурани тамомлаганимдан кейин эса ўз имкониятларимни тўла намоён қила оладиган корхонада ишлаш умидидаман.

Бакалавр Қадамбой Қўчқоров эса шундай деди:

— Амалиётни Хоразм вилояти фермер ҳўжаликлари ассоциациясида ўта-

дим. Ишланмаларини ассоциация раҳбариятига маълум қилди ва раис мени ишга тақлиф қилди. Розилик бердим, чўнки фермерлар билан ишлаш менга ёқади. Диплом ишим айнан янги ҳаракатга тааллуқли, мавзўим эса “Фермер ҳўжаликлари ассоциациясини умумий бошқариш учун дастурлар мажмуини яратиш”. Ҳозирги кунда ассоциациянинг сайтини яратяпман. Ундаги кидирув тизими фермернинг манзили ва ишлаб чиқараётган маҳсулотини дарров топиб беради. Илмий раҳбарим, техника фанлари номзоиди Бахтиёр Раҳимовдан чексиз миннатдорман, чўнки у яратилаётган дастурлардаги хато-камчиликларни тўғриладда қимматли маслаҳатларини амайдди.

Шунингдек, Зулфия Бобожоновани “Buzton” корхонаси филиалига, Ринат Абборовни эса Қўшқўпри телекоммуникациялар боғламасига тақлиф қилишмоқда. Бу TATU Урганч филиалида тайёрланган етук мутахассисларга талаб катталигидан далолатдир.

Фарход МУХАММАДИЕВ,
«Хабар»нинг Хоразм вилоятидаги мухбири

Новости в сфере ИКТ

SMS заменит

мелкие купюры

Компания i-Free вложила более \$100 тыс. в разработку коробочного продукта для вендеров, позволяющего рассчитывать с торговым автоматом посредством sms.

Устройство, встраиваемое в торговый автомат, позволяет не только оплачивать покупки, но и осуществлять мониторинг состояния автомата, количества покупок, совершенных одним покупателем, формировать систему бонусов. Неожиданно для разработчиков вышло так, что функция телеметрии (контроля) автомата, которая первоначально задумывалась как дополнительная, заинтересовала владельцев торговых автоматов больше, чем sms-оплата. «Главным препятствием для введения функции такой оплаты оказалась политика операторов сотовой связи», — рассказывает руководитель направления стратегического развития компании i-Free Андрей Пристинский. — У них нет модели для развития мобильной коммерции. Система, которая существует сейчас и работает, когда дело касается мобильного контента (оператор забирает себе 40%), совершенно невозможна при продаже любых материальных объектов (снэков, напитков). Ни одна вендинговая компания на это не пойдет. Сейчас пересмотреть схему расчетов готова только компания «Билайн». Вендинговые компании не готовы работать только с одним оператором. Тем не менее первая серийная партия устройств уже выпущена и реализована, прибор установят на автоматы для



контроля, а продажа через sms пока будет дополнительной функцией. В i-Free надеются, что основные сотовые операторы поймут преимущества такого проекта и подключатся к нему в процессе реализации.

1960 йилнинг охирида Чўпонота телпанида қурилатган РТСда Қўйтош - Чўпонота ўртасида "Стрела-1М" русумли РРЛ ускуналар асосида ишлайдиган бир босқичли радиореле линияси ишга тушгандан кейин Самарқанд шаҳрида ва шаҳар атрофида телевидение сифати янада яхшиланди. Қўйтошда Тошкентдан телесигнал қабул қилиниб, радиореле линияси орқали Чўпонота РТСга узатилади, "РТСО-56" русумли 100 Вт қувватли телеузатгич орқали эфирга тарқатилар эди.

1960-1962 йилларда Тошкент-Олтинтопкан-Славянка-Қўйтош йўналишида Р-60/120 русумли ускуна негизда ишлайдиган оралиқ РРСлар қурила бошланди ва ишга туширилди. Бу Чўпонота РТСида ТВ сигналнинг сифатини янада яхшилади.

Ўзбекистон Республикаси Алоқа



вазирлигининг 1963 йил 1 ноябрдаги қарори билан Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё ва Бухоро вилоятларида телевидение ва радиоэшиттириш ривожланишини ҳамда мавжуд радиотехник воситаларни эксплуатация қилишни ташкил этиш мақсадида КРМБ тасарруфидида Самарқанд минтақавий кабел ва радиореле магистраллари бошқармаси (КРМБ) тuzилди.

Шу вақтдан бошлаб телерадиодастурларнинг узатиш каналларини ташкил этиш учун Тошкент - Самарқанд (асосий нуктаси РРС "Қўйтош") "Р-60/120" русумли ускуналар билан жиҳозланган янги радиореле линиялари қурилиши бошланди.

1963 йилда Чўпонота РТСда телевидение дастурларни эфирга узатиш учун қувватлироқ (5 кВт) "МТР-5/1" русумли ТВ узатгич, радиодастурларни эфирга узатиш учун эса - "Дождь-1" русумли УКВ ЧМ узатгичлар ўрнатилди.

1967 йили Қўйтош - Тахтакорача - Одамтош - Жарқўрғон - Вахшвор (Денов) РРСлар "Р-60/120" русумли ускуналар билан жиҳозланган радиореле линияси қурилди. Радиореле станцияларида "ТРСА-100" русумли, Қўйтош РТСда эса - иккита дастурга мўлжалланган "Дождь-2" русумли УКВ ЧМ узатгичлар ўрнатилди.

1970 йилдан эса камқувватли узатгичлар қувватини ошириш ишлари бошланди. Бу чора-тадбир аҳолини телевизион дастурлар билан қамраш доирасини кенгайтириш имконини берди.

1974 йил 1 ноябрдан бошлаб КРМБ Магистрал алоқа ва телевидение техник республика узелига (МТРУ) ялангитирилди. Шу йилнинг ўзидеяк барча йўналишдаги радиореле линияларга "Р-600/2МВ" русумли замонавий ускуналар билан жиҳозлана бошланди.

1974-1985 йилларда эски "ТРСА" русумли ТВ узатгичларни янги, замонавий "Зона" ва "Якорь-5/1" русумли узатгичларга тўлиқ алмаштириш йўли билан техник воситаларни такомиллаштириш ишлари олиб борилди. Шунингдек, МТР-5/1 русумли ускуналар ўрнига "Якорь-5/1" русумли узатгичлар ўрнатилди.

1980 йилнинг январ ойида таркиби бўлима Самарқанд радиотелевизион узатиш маркази (РТУМ) деб атала бошланди.

Кенг ёйилётган радиореле лини-

ялар тармоғини ишлатиш билан биргаликда Ўзбекистон телевидениеси билан таъминлашнинг техник имконияти бўлмаган Зарафшон воҳасидаги аҳоли масканларида "Москва" ва "Экран" русумли сигналларни йўлдош орқали қабул қилиб узатувчи камқувватли ретрансляторлар ишлай бошлади. 1997 йилга қадар қуввати 1 ваттдан 30 ваттгача бўлган жами 69та ретранслятор ўрнатилди ва ишга туширилди.

1984-1987 йилларда РРС "Самарқанд" - РРС "Канли" (Жиззах), РРС "Самарқанд" - Чўпонота - Каттақўрғон - Нуробод худуд ичидаги радиореле линиялар замонавий, РРЛ "Курс-8" русумли ускуналар ўрнатиш йўли билан қайта жиҳозланди. Бу ускуналар ишга

туширилиши билан Каттақўрғон ва Нуробод туманлари аҳолисини Республика телевидениесининг учта дастури билан тўлиқ қамрашга имконият яратилди.

Самарқанд РТУМнинг кўп йиллар самарали ишлаган дастлабки раҳбарлари Мардон Юсупов ва Марк Фелдкоренлардир.

Минтақада радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидениега ўзининг катта улушини қўшган ходимлар қаторида "Чўпонота" РТС муҳандислари Шукурullo Нуриллаев, Тоҳир Иброҳимов, РТС бошлиғи Константин Жалолов, "Қўйтош" РТС бошлиғи Мамашарип Иброҳимов, камқувватли ретрансляторларга хизмат кўрсатувчи гуруҳ муҳандиси Йўлдош Мавлонов, "Самарқанд" РПСнинг муҳандис - раҳбари Убайдулло Абдуллаевлар номини тилга олиш мумкин.

2005 йилдан бошлаб Самарқанд РТУМнинг барча РТСларида тўлиқ қайта жиҳозлаш ишлари авж олди. Самарқанд ва Жиззах вилоятларида телевидение ва радиоэшиттириш ривожлантириш режасига биноан, Япония инвестиция маблаглари иштирокида "Қўйтош" ва "Чўпонота" РТСларида маънавий эскирган "Зона", "Зона-2" русумли ТВ узатгичлар электр қувватини кам сарфлайдиган узатгичларга алмаштирилди. "Жиззах" ва "Каттақўрғон" РТСларида эскирган узатгичлар қисман "СТУ-100М" русумли янги "РСН-1605" русумли узатгичларга алмаштирилди. Телевидение сифати ва қамрови оширилди.

"Телерадиоэшиттиришни йўлдош алоқа тизими орқали ташкил этиш" инвестиция лойиҳасига биноан 2006 йил ноябрдан 2007 йил феврал ойигача Самарқанд ва Жиззах вилоятларининг телерадиоэшиттиришлар етиб бормайдиган худудларига 73та ТВ, 62та FM узатгичлар ўрнатилиб, ишга туширилди ва ЎзТВ-1 ва ЎзРВ-1 дастурларининг қамрови 100 фоизга етказилди.

М.АТАМУХАМЕДОВ,
Радиоалоқа,
радиоэшиттириш ва
телевидение маркази бош
директори,
Р.ШАМИЕВ,
Самарқанд РТУМ
директори ўринбосари



Mening
musiqam

ЯНГИ ХИЗМАТ

"Unitel" масъуляти чекланган жамияти янги «Менинг мусиқам» хизмати ишга тушганини маълум қилади.

«Менинг мусиқам» хизмати абонентга кириш қўнғироқлари учун одатий қўнғироқ ўрнига турли-туман мусиқа ёки товушлар ўрнатиш имкониятини беради.

— Биз абонентларимиз мобил алоқанинг нафақат андозадаги хизматларидан фойдаланишларига ҳаракат қиламиз, балки улар биз кўрсатаётган хизматлардан завқ-шавққа тўлишларига ҳам интиламиз, — деди «Unitel» МЧЖ тижорат ишлари директори Евгений Скрипник. — Умид қиламанки, «Менинг мусиқам» хизматининг имкониятларини татбиқ этиш абонентларимиздан кимнидир лол қолдиради, кимнидир хурсанд қилади, кимгадир яхши кайфият бағишлайди.

«Билайн» бу хизматни Ўзбекистонда биринчи бўлиб ишга туширмоқда. Абонентларга кўплаб мусиқалар таклиф этилади, уларни эшитиш ва <http://sm.beeline.uz> сайти орқали ёки 0644 рақамига бепул қўнғироқ қилиб сотиб олиш мумкин.

Хизматни қуйидаги усуллар билан ёқиш мумкин:

- 0611 овозли тизимининг «абонентларга электрон хизмат кўрсатиш» бўлими орқали;

- *110*311# чакирув тугмасини териш;

- 0674 рақамига 90311 матнини терган ҳолда SMS юбориш.

Хизмат ёқишга, уни созлашга ўтиш мумкин. Созишнинг қуйидаги усуллари мавжуд:

- 0644 бепул рақамига қўнғироқ қилиш;

- <http://sm.beeline.uz> веб сайти орқали;

- 0644 рақамига SMS кодларни юбориш.

Интерфейслар ёрдамида шахсий созуламаларни ўзгартириш (мусиқалар ёзиб олиш, уларни ўчириш, мусиқа чалиниш вақтини белгиллаш, қўнғироқ қилувчи абонентларни гуруҳларга ажратиш ва ҳар бир гуруҳ учун алоҳида мусиқа ўрнатиш) мумкин. Шунингдек, танланган мусиқани эшитиш ва сотиб олиш, мусиқа йўналиши буйича сценарий тузиш (маълум мусиқани маълум бир кишига ва маълум бир вақт учун созлаш) имконияти мавжуд. Бир вақтнинг ўзига мусиқаларнинг ихтиёрий чалинишини ҳам ўрнатса бўлади.

Бундан ташқари қуйидаги усуллар ёрдамида мусиқани бошқа фойдаланувчига совға қилиш мумкин:

- бепул 0644 рақамига қўнғироқ қилиш;

- <http://sm.beeline.uz> веб сайти орқали.

Хизматни ишга тушириш ва фойдаланиш 2007 йилнинг 1 сентябригача бепул. Дастлабки сифатида битта бепул мусиқа ҳам тақдим этилади. Бошқа мусиқа ёки товушларнинг нархи (\$0 дан \$4.80 гача) сотиб олиш жараёнида 0644 рақами орқали олдиндан маълум қилинади ёки реклама материалларида, WEB ёки WAP сайтларида берилди. Жорий йилнинг 1 сентябридан кейинги нархлар тўғрисида қўшимча ахборот тарқатилди.

«Менинг мусиқам» хизматидан ҳозирча фақат Тошкент худуди (Тошкент шаҳри, Тошкент ва Сирдарё вилоятлари)даги ҳисоб-китабларнинг олдиндан тўлов тизими амал қиладиган абонентлар фойдаланишлари мумкин.

☐ SUD ZALIDAN

Ким бўлишдан қатъи назар, ҳар бир фуқаронинг ҳақ-ҳуқуқи ҳимояланиши Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ишончли кафолатланган. Мавжуд қонунчиликка кўра, фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи, мол-мулкига қилинган тажовуз жиноий қилмиш деб топилади. Босқинчилик, талончилик каби ҳар қандай жиноят жазосиз қолмайди.

Асакалик Дилмурод Алимов Фарғонага қариндошларини кўргани борди-ю, такси ҳайдовчиси қўлидаги "сотка"га "ишқи тушиб" қолди. "Зўр экан-да, а?" — деди ҳайратланиб ичида, — видеосиям боракан, суратга ҳам оларкан. Чиройли, бежиримлигини-чи".

Нияти бузилиб, ҳайдовчининг уяли телефонини қандай қўлга киритиш ҳақида бош қотира бошлади.

Марғилондан Асакага таксини кира қилиб, алдаб олиб келишни чамалай бошлади. Шу мақсадда ҳайдовчи Нодирбек Каримовни гапга солди:

— Нодир ака, мени ҳозир Асакага ташлаб қўйсангиз қанча бераман?

— Агар айнан ҳозир олиб


"Сотка" ортидаги жиноят

бориб қўйсам 20 минг сўм бўлади. Эртага кундузи эса анча арзон — 12 минг сўмга ташлаб келишим мумкин, — деди ҳеч нарсадан шубҳаланмаган такси ҳайдовчиси.

Дилмурод унинг уяли қўл телефони рақамини ёзиб олиб, эртасига шу рақам орқали чақиртирди. Шу пайтда унинг қариндоши Мадийр ҳам келиб қолди ва икковлари Нодирбек Каримовнинг "Тико"сида Фарғонадан Асакага қараб йўлга чиқишди.

Бу ёғи энди "Тошбақа билан чаён" зарбулмасалига ўхшаб кетади. Яхши ниятда, йўловчини манзилига етказиб қўйиш учун жазм қилган Нодир акани "чақиб олиш" мақсади Дилмуродга тинчлик бермасди. Уни алдай бошлади. Ўзи йўл кўрсатиб, гўёки янги томорқада яшашини, томорқа эса анча ичкаридалигини айтиб "Марҳамат" сиҳаттоҳи жойлашган хилват томонларга бошлаб келади. Машинани тўхтатишини, бир танишига телефон қилиб олишини айтди.

Машина тўхтагач, қариндоши Мадийрнинг қўл телефони сўраб олиб пастга тушади. Нарироққа бориб кимгадир те-



лефон қўла бошлади. Орқасидан келган Мадийрга:

— Ака, сиз Нодир аканинг телефони сўраб олинг. Менга ёқиб қолганини айтинг ва унга тушунтириб жўнатиб юборинг, — деди.

— И-е, Дилмурод, мен бундай қилолмайман. Хоҳласангиз ўзингиз олинг, — деб рад этди Мадийр.

Дилмурод Нодир аканинг ёнига бориб унга "телефонингизни бериб туринг," деб сўрай-

ди ва ўзидаги телефоннинг антеннаси чиқмаётганини ваҳ қўлади. Уяли телефонни олиб нарироққа кетади.

— Ака, телефонингиз зўр экан. Менга сотасиз, — деди у орқасидан келган Нодир акага.

— Бу телефон совға қилинган. Сотилмайди, — деди эгаси қатъий.

— Сиз билан ака-ука бўпқоламиз, мендай укангизга шу телефонни совға қилинг, — алдашга тушди Дилмурод.

Шунда ҳам Нодир ака рози бўлмагач, Дилмурод "тўнини тескари кийиб" олди:

— Нодир ака, энди бу телефон меники бўлди. Сиз яхшиси, ўзингиз билиб бу ердан жўнанинг!

— И-е, бу қанақа муттаҳамлик, — деди-ю Нодир ака уни сўқиб кетди ва Мадийрга тегишли бўлган телефонни қўлиб олиб қочди. Бу икковлон уни қўлиб етишдию, ушлаб олиб уриб, тепа бошлашди.

— Телефон энди бизники бўлди. Хоҳлаган ерингга бориб арз қил...

Улар ўзини билмай қолган Нодирбек Каримовни ташлаб, телефонини олиб Асака шаҳрига қочиб кетишди.

Зўравонлар узоққа боришолмади. Жабрланувчининг мурожаати асосида эртаси кунёқ ички ишлар хизмати ходимлари томонидан қўлга олинди.

Қиймати 200 минг сўмлик бўлган уяли телефон эгаси Нодирбек Каримовга қайтариб берилди.

Аввал ҳам ўғрилиги, фирибгарлиги учун бир неча бор судланиб жазоланган, Асака тумани марказий шифохонасининг "Тез тиббий ёрдам" бўлимида навбатчи бўлиб ишлаб келган, Мустаҳкам қишлоғи, Қадим кўчаси, 345-ўйда яшовчи Дилмурод Алимов жиноят ишлари бўйича Марҳамат туман суди томонидан жиноий жавобгарликка тортилди.

Унга уч йилу олти ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Жиноятга жазо муқаррар, деб шуни айтишди.

Муҳаммадқодир ОТАХОНОВ,
«Хабар»нинг Андижон вилоятидаги мухбири

☐ TURMUSH CHORRAHALARIDA

Сарвар ҳисоботини тамомлаб, энди сигаретини тутатган эди ҳамки, телефон жиринглади. "Яхшиям вақтлроқ тутатган эканман, — ўйлади у ўзича мамнун бўлиб. — Бошқармадагилар ҳисоботни сўрашаётган бўлса керак."

Яхши кайфиятда гўшакни кўтарган Сарварнинг афти бўлмади. Хотини Зухра уйдан телефон қилаётган экан.

— Дадаси, усталардан хабар олгани келсам, цементлари тугабди. Икки қоп керак дейишяпти. Нима қиламиз?

— Ҳисоботни энди бошлаган эдим, — деди у "куйиниб". — Кечгача охирига етказмасам бўлмайди. Ўзинг бир нима қила қол. Бунақа ишларни қойиллатасан-ку, хотин.

Сарвар гўшакни қўйиб, бамайил-хотир сигаретини чекиб тутатди, сўнг қўшни хонада шахмат тахтаси устида қутаётган Эркин аканинг ёнига чиқди. Ҳар кун аҳвол шу. Ҳисоб-китобдан бўшадиган шахмат столига югуради. Эркин аканинг гапига қараганда, шахмат ўйини миёда дам берармиш. Кўпинча ишдан кейин ҳам қолиб донда суришади. Уйини, болаларини ўйламайди ҳам. Барча уй юмушларини Зухра қилишига одатланган. Хотинига қойил қолади, баъзан. Аёл боши билан ҳаммасига улғуради. Эрталаб вақтли туриб сигир соғайди, сут пишириб қатиқ ивитади. Қорамол, қўйларга емиш, товуқларга дон беради. Уй-ҳовлиларни тозалай, эри, болаларини уйғотади. Биргаликда нонушта

Ўқинч

қилиб, ишга отланади. Тушликни уйда қилади. Вақтдан тежаб кечки овқатни тайёрлаб кетади. Болалар билан боғлиқ муаммоларни ҳам индамасдан ҳал қилади. Ўзи Зухрани мўлжаллаб юрганида дадаси унинг меҳнатқашлигини алоҳида таъкидлаб, "Ўғлим, агар у қизга уйланадиган бўлсанг, асло қийналмай яшайсан, бир ўзи икки эркакнинг ишини қилишга қўриб етади", деган эди. Дадаси тўғри айтган экан. Ҳақиқатан ҳам рўзгор ташвишларидан холи, маза қилиб яшайпти. Яна ун кундан кейин тўй. Зухранинг тайёргарлики бошлагани икки ой бўлди. Сарпо-сирик, идиш-товуқ, қуда қутиш, ҳатто уйларни таъмирлашни ҳам ўзи эплайпти. Бахтига омон бўлсин ишқилиб...

Ёқимли югур-югурлар билан тўй кунини ҳам етиб келди. Европа усулида таъмирланган хоналар кўзни яшнатади. Айниқса, келин-куёвга ажратилган уй ўзгача чиройга эга бўлган эди. Куёв кийимидаги ўғлига ҳаммининг ҳаваси келиши табиий. Бу кийимларни ўғли онаси билан бозорга тушиб, бамаслаҳат сотиб олишди. Тўйга таниқли санъаткорлардан бирини онаси билан бориб, таклиф қилишган. У ишхонасида ўғлининг тўйига қайси санъаткор келишини айтиб, мактаниб ҳам қўйди.

Мана, ҳовлидаги охириги тайёргарликлар ҳам тугади. Энди дастурхон тузалапти. Қўшилари елиб-югуриб хизмат қилиб юришибди. Сарвар уларнинг уйдаги тадбирларда деярли қатнашмасди. Қўшиллар эса умушларни бўлиб олишган шекилли, билиб-билиб ишларини қилишяпти. Хотини тез-тез уларга топшириқлар беради. Кимга нима керак бўлса, Зухрага мурожаат қилади. Ошпаздан тортиб карнай-сурнайчигача у билан гаплашади. Сарвар билан ҳеч кимнинг иши йўқ. Бу ҳолат унга бошқача таъсир қилди, шекилли, ўз уйида ўзини меҳмондай сеза бошлади.

Энг қизиги келин-куёв келиб, тўй очилишида бошланди. Маҳалла раиси тўйни очиш учун сўзни туман ҳокимига берди. Сарвар тўйларига туман ҳокимининг шахсан ўзи келади, деб ўйлаганди. Ҳоким ҳам сўзини "Бугун туманимизнинг меҳнатсевар, қўли эм, барчага ҳурматли шифокорларидан бири Зухраҳоннинг хонадониди ажайиб тانتана", деган сўзлар билан

бошлади. Бир муддат Зухраҳон ҳақида гапириб, келин-куёвга бахт, омад тилади. Ундан кейин сўз олиб гапирганлар ҳам шу тахлит тилак билдиришди. Тўйга келувчилар дастлаб Зухраҳонни сўрашар, олиб келган тўёнасини унга бериб, сўнг даврага қўшилди. Келувчиларнинг эса кети узилмасди. Бунча кўп одам танирган хотинини. Аксига олиб, ишхонасидан Эркин аканинг ўзи келди, холос. Энг ёмони оиласидигилар — Сарварнинг ака-опалари ҳам ҳар бир масалани Зухра билан маслаҳатлашишга ўрганиб қолишган экан. Сарвар дарвоза олдида бир ўзи қолиб кетди.

Шу ўтиришда у биринчи марта масъулиятдан қочиб барча юмушларни хотини зиммасига юклаб қўйганидан пушаймон бўла бошлади, қалби ўксиди. Бу аҳволга тушишида хотинини айблаш ноҳақлик бўлишини юракдан ҳис қилди.

— У бечора нима қилсин, — ўйлар эди у. — Уйим-жойим, болам-чакам деб елиб-югурди, фарзандларига муҳаббати туйғайли рўзгор ташвишлари оғирлиги ҳам сезилмай қолди унга. Ҳатто, мол бозорига ҳам ўғли билан боришни ўрганди. Мен бўлсам... Ҳаммасига ўзим айбодорман. Тўрт мучам соғ, ақлим жойида бўлса. Катта бир ташкилотда ишласам. Одамларга қўшилмаслик, фақат ўз фароғатимни ўйлаб яшаш мени, мана қай ҳолатга олиб келди.

Сарвар шу пайтдан бошлаб, ўз ўрнини эгаллашга, оила юқини ўзи тортишга аҳд қилди.

Муборак МИРКАМОЛОВА

PAZANDA MASLAHATI

МУЗЛАТИЛГАН
МЕВАЛИ ТОРТ

Қадрли газетхонлар! Бугун
этиборингизга янги торт-
ни ҳавола этамиз.

Бисквит хамири: тухум
— 6 дона, шакар — 1
стакан, ун — 1 стакан,
крахмал — 1/4 стакан,
ванилли шакар — 1/2
пакетча.

Желе: музлатилган
мевалар (кулупнай, олча)
— 500 г, желатин — 15 г,
1/3 лимон шарбати, шакар
— 50 г.

Киём: шакар — 100 г,
сув — 100 мг, коньяк — 70
мл.

Безаклар: кулупнай
жеми 150 г, кокос қирин-
диси — 1 пакетча, кўпирти-
рилган қаймоқ — 400 мл.



1. Тухум ва шакар яхшилаб кўпчи-
тиб кўпиртирилади. Сўнгра эланган ун, крахмал, ванилли шакар
кўшилиб, кичик тезликда бир неча сония қориштири-
лади. Бунда хамирда кумоқлар йўқлигига ишонч
ҳосил қилиш лозим.

2. Форманинг тагига қоғоз тўшалиб, унга хамир
қуйилади. Духовкада 190-200 °C ҳароратда 40-45
дақиқа олтинсимон рангга киргунча пиширилади ва
совутилади.

3. Киём: шакарни сувга қўшиб қайнаш даражасига
етказилади ва кўпигини олиб турган ҳолда 5-10 дақиқа қайнатилади. Совутилиб, коньяк
қўшилади.

4. Желе: желатинни совуқ сувга бўктириб қўйиб, шишган эритилади ва шакар қўши-
лади. Шакар эригач, желатинни плитадан олиб лимоннинг шарбати қуйилади.

5. Корж уч бўлак қилиб кўндалангига кесилади. Ҳар бир бўлак кулчага коньякли киём
сингдирилиб, жем ва унинг устидан кўпиртирилган суюқ қаймоқ суртилади (2 марта).

6. Тортнинг ён томонларига ҳам кўпиртирилган суюқ қаймоқ суртилиб, кокос қирин-
диси сепилади.

7. Тортнинг устига қолган жем суртилади (2 марта).

8. Торт юзасининг ўртасига музлатилган мевалар (малина, кулупнай, смородина)
солинади. Меваларнинг устидан иссиқ желе қуйилади ва 10 дақиқа совутгичда совути-
лади.

9. Шаклдор учлик ўрнатилган кондигер қоғозчаси ёрдамида тортнинг чеккасига
гулдор ҳошия юритилади.

Худди шундай тортни янги мевалардан ҳам тайёрласа бўлади.

BILIB QO'YGAN YAXSHI

СОВУТГИЧДА
САҚЛАШ МУДДАТИ

Ҳаммамиз тайёр ва нотайёр маҳсулотларни
совутгичда сақлашга одатланганмиз. Айниқ-
са, ёзининг иссиқ кунларида совутгичлар
хизматига эҳтиёжimiz янада ошади. Аммо
совутгичда сақланаётган маҳсулотларнинг
ҳам ўзига яраша гигиеник муддати борлиги-
ни ҳамма ҳам билмас керак. Қуйида айнан
шу ҳақда маълумот берамиз.

Маҳсулот номи ва сақлаш муддати:

Қайнатилган сут — 1-2 кун.

Дудланган колбаса — 4 кун.

Пишлоқ — 12 кун.

Сариеғ — 21 кун.

Сметана, қаймоқ — 2 кун.

Тухум — 21 кун.

Хом гўшт — 2 кун.

Қийма — 1/2 (пиширилгани 3-5) кун.

Музлатилган балиқ — 3 (дудлангани — 2, пиширилгани — 1)

кун.

Ҳўл мевалар — 2 кун.


Салатлар — 1 кун.

Торт — 1 кун.

Хамир — 4 кун.


Қўкатлар — 20 кун.

Совутгични ҳар 2-3
хафтада бир эритиб ту-
ринг. Бунинг учун унинг
ичидаги ҳамма маҳсулот-
ларни чиқариб, электр
тармоғидан узинг. Эшик-
ларини очик ҳолда қол-
диринг. Муз ўзи эриб ту-
шиши керак, пичоқ ёки
бошқа тигли буюмлар
билан бу жараёни тез-
латишга уринманг. Сўнг
ичини бир литр сувга бир
ошқошиқ ичимлик сода-
си қўшилган эритмада
юмшоқ латта билан ювиб
чиқинг. Қуриганидан сўнг
совутгичингиздан бема-
лол фойдаланишингиз
мумкин.



● AJIB DUNYO

ХАВФЛИ КАСБЛАР



Яқинда инглиз психологлари асабийлик ҳолатини келтириб чиқа-
риши бўйича энг хавфли касбларни аниқлашди.

Олимларнинг фикрича, асабийлик ҳолатига кўпроқ адвокатлар,
ҳисобчилар ва сўғурта агентлари маҳкум экан. 16 фоиз адвокатлар
маълум даражадаги зўриқишдан азият чекар эканлар.

Шунингдек, мутахассислар бу борада ишчининг ёши ҳам муҳим
аҳамият касб этади, деган хулосага қелишди. Аниқланишича, ёш
ҳодимлар стаж каттароқ ҳодимлардан кўра кўпроқ асабий ҳолатга
тушар экан.

Иш давомида келиб чиқадиган асабийлик асосан ҳодимнинг
илмий даражаси ва кўникмаларига мос келмаган вазифанинг юкла-
тилиши билан боғлиқ бўлар экан.

Сўров натижасида шунингдек, 56 фоиз ишчилар ишнинг юқори
темпода эканлигини, 60 фоизи иш бажарилишининг қатъий тартиби-
ни, 40 фоизи ишнинг бир хиллигини айтиб ўтишди.

Шунингдек, ишчига қанча кўп масъулият юкланган бўлса, унинг соғлиғига шунча кўп зарар етиши
ҳам исботланган.

СПОРТЧИ ҲАЙВОНЛАР


Хитой шаҳарларидан биридаги ҳайвонот боғида томоша-
бинлар сони кундан-кунга кўпайиб бормоқда. Ҳаммаси эса
ҳайвонот боғидаги жониворларнинг спортга меҳр қўйгани-
дан.

Масалан, бу ердаги фил тўрға тўпни шундай абжирлик
билан ташлайдики, бу ҳаракатни яна бир бор кўргинг келади.
Тўтиқуш эса кичкина бўлса-да, ҳар ҳолда, штанга кўтаради.
Қизик, Хитойда бўладиган Олимпиада ўйинлари кайфияти
ҳозирданок авж олган кўринади.

ЭВЕРЕСТДАН ЎТУВЧИ ЙЎЛ

Хитойда Эверест чўққисини кесиб ўтувчи янги йўл қуриб
ишга туширилади. Маълумотларга қараганда, янги йўл 2008
йил Пекин Олимпиадасининг машъаласи йўналишига кири-
тилган бўлиб, олимпия машъаласи айна Эверестни ҳам кесиб
ўтиши режалаштирилган.

Хабарларга қўра, янги шоссенинг узунлиги 108 километрга
тенг бўлиб, денгиз сатҳидан 5200 метр баландликда барпо
этилади.



ХАНДАЛАР

— Дўстларим ниҳоятда кўп! Бироқ улардан
ҳеч нарса сўрагим келмайди.

— Жуда хурсандман. Кўлингизни беринг,
дўст бўламиз.

Бир кўпол одам дўстини хафа қилиб қўйиб, узр
сўрапти:

— Хафа бўлма, биродар, лойимни шундай қориш-
ган.

— Лойингни қоришга қоришипти-ю, тепиб пиши-
ришмапти-да...

Бир киши ўта хасис қариндошининг уйида
тураркан. Ундан сўрашибди:

— Қариндошинг овқатланаётганда ёнида
кимлар бўлади?

— Фақат пашшалар.

Ярим кечага чўзилган бир зиёфатда ҳофиздан шу
уй соҳиби яна бирор қўшиқ айтиб беришни илтимос
қилди:

— Мабодо, қўшнилари уйғониб кетмайдими? —
этироз билдирди ҳофиз.

— Ҳечқиси йўқ, — деди уй соҳиби. — Уларнинг
кучуги эрталабгача ҳуриб чиққанда биз ҳеч нарса
демаганмиз.

— Дўхтиржон, тўғриси, мен жуда кўрқяпман.
Бу умримдаги биринчи операция!

— Сизни тушунаман, мен ҳам биринчи марта
операция қияпман.

Меҳмондорчиликда ўтирган киши уйга кетишни
асло хаёлига келтирмасмиш.

Сабри тугаган мезбон унга дебди:

— Яна бирон нарса буюрайми, жаноб? Кока-
колами? Чойми? Қаҳвами ёки такси?

BOXS

ЧЕМПИОНЛАР ЖАНГИ

Суперогир вазнда WBA чемпиони Руслан Чагаев ва WBO йўналиши камари соҳиби Султон Ибрагимов ўртасида қўшма чемпионлик жанги ўтказилади.

Боксчиларнинг промоутерлари бу ҳақда шартнома имзолашди. Жанг шу йилнинг 13 октябр кuni Москва шаҳрида ташкил этилиши режалаштирилмоқда.

Яқинда чемпионлик камарларини қўлга киритган ушбу "чарм қўлқоп" усталарининг иккаласи ҳам суперогир вазнининг барча камарларини ўзлариники қилиш ниятида ғалаба қозongan спортчи жаҳоннинг энг кучли боксчисига айланишини таъкидлашди. Бу номга ҳамюртимиз Руслан Чагаев сазовор бўлишига ишонамиз.



FUTBOL

ОСИЁ КУБОГИ ОЛДИДАН

Рауф Иниев бошчилигидаги Ўзбекистон миллий терма жамоаси Жанубий Кореянинг «Панжу» машғулотлар базасида Осиё кубоги-2007 финал босқичига тайёргарлик кўрмоқда. 2 июл кuni вакилларимиз Ироқ терма жамоасига қарши ўртоқлик учрашувини ўтказишди.

Уйиннинг 3-дақиқасидаёқ терма жамоамиз ҳисобни очиги муваффақ бўлди. Тўп муаллифи миллий терма жамоада ўзининг дебют учрашувини ўтказган Словениянинг «Слован» жамоаси ярим ҳимоячиси Азиз Ибрагимов бўлди. Иккинчи бўлимда терма жамоамизнинг яна бир тезкор ҳужуми самарали яқунланди. Ҳужумчимиз Улугбек Бақоев 25 метрлар масофадан кучли зарба йўллаб, ироқликлар дарвозасининг тўққизлигини нишонга олди.

Ўзбекистон – Ироқ – 2:0

Терма жамоамизнинг навбатдаги рақиби Жанубий Корея терма жамоаси бўлди.

Жанубий Корея – Ўзбекистон – 2:1

Маълум бўлишича, терма жамоамизнинг айрим футболчиларида кичик жароҳатлар бор. Кореядаги машғулотларда бошидан жароҳатланган Асрор Алиқулов эса Осиё кубогини бутунлай ўтказиб юборишга мажбур. Шифокорлар кўригидан ўтган Асрорнинг жароҳати анча жиддий бўлиб қикди. Бу ҳолат терма жамоамизнинг ҳимоя марказида муаммоларни юзага келтириши мумкин.


Эслатиб ўтамиз, Осиё кубоги-2007 финал босқичи баҳсларига 7 июл кuni старт берилади. Терма жамоамиз ўзининг дастлабки учрашувини 11 июл кuni Эронга қарши ўтказиши.

KIBERSPORT

МИЛЛИЙ ФИНАЛ

Кеча пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида Компютер ўйинлари бўйича бешинчи Ўзбекистон чемпионатининг миллий финали бўлиб ўтди.

Бугун "Зарафшон" киноконцерт залида ғолибларни тақдирлаш маросими ўтказилади. Миллий финал натижалари ва тақдирлаш маросими ҳақидаги мақола билан газетамизнинг кейинги сониди танишасиз.



SPARTAKIADA

БИРИНЧИ БОСҚИЧ ЯҚУНЛАНДИ

Хоразмда алоқа ходимларининг спортга бўлган қизиқишини кучайтириш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида қатор тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Ижтимоий ҳимоя йилига бағишланган уч босқичли республика спартакиадасининг 1-босқичи Хоразм вилояти алоқа ходимлари бирлашган касба уюшмаси қўмитаси томонидан ташкил этилди. Спортнинг стол тенниси, шахмат, шашка турлари бўйича ўтказилган мусобақаларда «Хоразм Телеком» филиали, Янгиариқ ва Хива телекоммуникациялар боғламалари биринчи, иккинчи ва учинчи ўринларга лойиқ деб топилди.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Хоразм филиали жамоалари ўртасидаги баҳсларда эса Янгиариқ, Гурлан ва Хонқа почта алоқаси тармоқлари фахрли ўринларни эгаллашди.

Хоразм вилояти «Матбуот тарқатувчи» шўба корхонаси туман бўлимлари ўртасида кечган баҳслар ҳам қизгин ўтди. Аёллар ва эркеклар мусобақаларида ўзаро куч синашган спортчилар маҳоратларини намойён этишди.

Умумжамоа ҳисобида Хоразм вилоят «Матбуот тарқатувчи» шўба корхонаси биринчи, Қўшқўпир ва Хива туманлари «Матбуот тарқатувчи» МЧЖ жамоалари иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллашди.

Қўшқўпир иккинчи босқичга йўлланма олдилар.

Фарҳод МУҲАММАДИЕВ

MINI-FUTBOL

КУБОК

БАҲСЛАРИ

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ва Ўзбекистон алоқа ходимлари касба уюшмаси марказий кенгаши кубоги учун мини-футбол мусобақаларининг «Шарқий» ҳудудий-минтақавий босқичи 6-8 июл кунлари Ангрен шаҳрида ўтказилади.

Мазкур мусобақада иштирок этиш ҳуқуқини жойларда ўтган саралаш ўйинларида ғолиб бўлган «Андижон Телеком», «Наманган Телеком», «Фарғона Телеком», «Тошкент Телеком», «Ўзи-Жиззах» филиаллари, «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Сирдарё филиали ва Самарқанд 4-ШМАТБ жамоалари қўлга киритишди. Мазкур жамоаларнинг фақат учтаси Тошкент шаҳрида ўтадиган финал босқичи ўйинларига йўлланмани қўлга киритдилар.



Суратда: Стол тенниси бўйича 1-ўрин соҳиби Денис ЦОЙ.

Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Бош муҳаррир:
Абдусайд КҮЧИМОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)

Бахтиёр КУБЕЕВ

Шомансур ОБИДХҲҲАЕВ

Миродил САНГИЛОВ

Шўхрат СОДИҚОВ

Лутфилло ТУРСУНОВ

(масъул котиб)

Асаджон ХҲҲАЕВ

Рустам ҚОСИМОВ

Содиқжон ҚОСИМОВ

Газета
Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 0016 рақами билан рўйхатга олинган.

МАНЗИЛИМИЗ:

100060, Тошкент-60,
Т. Шевченко кўчаси, 17-уй.
Тел.: 133-36-48; 136-35-29.
Факс: 136-36-42.
E-mail: orif@infonet.uz

Таҳририятга келган қўлёзма ва суратлар эъланга қайтарилмайди.
Муаллифларнинг фикрлари таҳририят фикридан фарқланishi мумкин.

Нашримиздан кўчириб босилганда «Хабар»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Тижорий материал — ①
Реклама матнларининг тўғричилиги таҳририят жавобгар эмас.

Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақола муаллифи масъулдир.

Гастани тайёрлашда Интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

653-С сонли буюртма.
Офсет усулида босилди.
Қозғ бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ.
Адади: 7905 нусха.

Газета таҳририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди.

Саҳифаловчи: Аслидин БҲРИЕВ.
Матн терувчи: Дилфуза МАТҚУРБОНОВА.

Ахборот ҳамкоримиз:
UZINFOCOM маркази.

Босишта топширилди — 20.00.
Босишта топширилиш вақти — 20.00.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

«Бухоро Телеком» филиали ва вилоят алоқа ходимлари бирлашган касба уюшмаси қўмитаси жамоалари филиал бош бухгалтери ўринбосари Соҳиб Жумаевга онаси

Темирой ЖУМАЕВанинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ургут туман почта алоқаси тармоғи жамоаси «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Самарқанд филиали директорининг ўринбосари Сирожиддин Холмухаммедовга отаси

Мехрождин ХОЛМУҲАММЕДОВнинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги жамоаси Агентликнинг Ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўлими бошлиғи Улугбек Мирхамидовга волидаи муҳтарамаси

ЗАРИФА ая МИРҲАМИДОВанинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

SAMARQAND SHAHRINING 2750 YILLIGI OLDIDAN

Самарқанд шаҳри ҳокими Боҳодир Ялангтўш буйруғи билан 1618-1634 йилларда бош меъмор Абдужаббор бошчилигида Регистон майдонида бунёд этилган «Шердор» мадрасаси бугунги кунда ҳам Самарқанднинг кўрки ва ифтихори бўлиб қолмоқда.

ШАРҚ
ГАВҲАРИ

Тарихчи Бўрибой Аҳмедов томонидан нашрга қайта тайёрланган Абу Тоҳирхўжа Самарқандий қаламига мансуб «Самария» асарида қайд этилишича, «Шердор» мадрасаси қурилиши осмон жисмлари жойлашишига қараб бошланган. 1618 йилнинг июл ойида мадраса деярли битиш арафасида бўлган. Бу санада қуёш Асад буржиди, яъни шер рўпарасида пайдо бўлади. Бу бахтиёр замонга ишора эканлигини мунажжимлар башорат қилган. Шу башорат юзасидан уша замон нақошлари, мадраса пештоқиға куч-қудрат ва бахтиёрлик рамзи сифатида икки шер тасвирини туширишган. Мадрасанинг «Шердор» деб аталishi ҳам асосий сабаб шун.

Регистон майдонидаги шарқ меъморчилигининг нодир ёдгорлиги бўлган Улуғбек мадрасасида XV асрнинг 30-60-йилларида буюк мутафаккир шоир Абдураҳмон Жомий яшаб ижод этганлигини кўпчилик билмас керак.

Шоҳи Зинда зиёратгоҳи Самарқанддаги қадим меъморий ёдгорликлардан биридир. 20дан зиёд меъморий иншоот, макбара ва масжиддан ташкил топган мажмуа Афросиёб тепалигида жойлашган.

XIX асрнинг охирига қадар зиёратгоҳга олиб кирувчи дарвоза пештоқиға: «Ушбу буюк бинони Абдулазизхон бин Улуғбек кўрагон бин Шоҳрух бин Амир Темур Кўрагон 838(1435) йилда қурдирган» деган ёзув бўлган.

XI асрда Муҳаммад пайғамбар (С.А.В.)нинг амакиваччаси Қўсам ибн Аббос макбараси қурилиши билан ушбу зиёратгоҳга асос солинган.

Қўсам ибн Аббос саҳобалардан бўлиб, Мовароуннаҳрда ислом динининг кенг тарқалишига муҳим ҳисса қўшган. 677 йилда у Самарқандда эканида кўчманчилар шаҳарга ҳужум қилади. Ривоятларга кўра, ушбу жангу жадалда ҳалок бўлган Қўсам ибн

Аббос кесилган бошини кўлига олиб, ер ости йўлагиди ғойиб бўлган, лекин ҳамон тирик эмиш. Ёдгорлик мажмуининг номи — Шоҳи Зинда (Тирик шоҳ) айнан шу ривоятга асосланади. Аҳоли мазкур макбара ва мазорни табаррук деб билади.

Ислом Уйғониш даври деб ном олган, асосан Амир Темур ва темурийлар даврида бунёд этилган, нафақат аждодларнинг сўнгги маскани, балки кўна Мовароуннаҳр меъморчилиқ санъатининг бебаҳо намунаси бўлган Шоҳи Зинда мажмуини келажак авлодлар учун ҳам бор жозибаси ва нафосати билан сақлаб қолиш мақсадида ҳукуматимизнинг махсус қарори билан 2004 йилнинг август ойидан бошлаб зиёратгоҳда таъмирлаш ва обodonлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Жумладан, мажмуанинг зинадан иккинчи чордоқ ва дахлизга чиққан жойида 1375-76 йилларда бунёд этилган Тўғли Текин макбараси, иккинчиси Амир Темурнинг синглиси Ширинбека макбараси, унинг қаршисида Амир Темурнинг яна бир синглиси Туркон оға ҳамда насаф (Қаршилик) уста Али қўрагон макбара, Амир Темурнинг рафиқаси Туман оға қурдирган бир гуруҳ бино (масжид-хонақоҳ, макбара, чордоқ)лар қайта таъмирдан чиқарилди.

Бундан ташқари, Шоҳи Зинда мажмуасининг олд томонида уша замондан қолган ҳаммом намунаси таъмирланди, мажмуанинг олд томони ва ён томонидаги кўзга хуш ташлиниб турган бинолар олинчиб, манзарали дараклар ва гуллар экилиб, кўкalamзорлаштирилди. Катта эски тепалик текисланиб, кенг ва раvon avтoмoбил йўли қурилди, бу эса мажмуанинг кўркига янада кўрк қўшди.

Абдуғофур ҲОТАМОВ



ЭЪЛОН!

«Хабар» газетаси ўз саҳифаларида корхона, ташкилот ҳамда хусусий фирмалар фаолиятига оид эълон ва рекламаларни, шунингдек, тутилган кун, никоҳ тўйи муносабати билан табрик-қутловларни, турли хил эълонларни чоп этишни маълум қилади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Т.Шевченко кўчаси, 17-уй. «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» филиали биноси, 3-қават.

Мурожаат учун телефонлар: 133-36-48, 136-36-42.

Табриклаймиз!

«Фаргона Телеком» филиали ҳамда вилоят алоқа ходимлари биришган касаба уюшмаси кўмитаси жамоалари ходимлар — Муқимжон АБДУВАЛИЕВ ва Раҳимахон ҲАЙДАРОВАларни 50 ёшга тўлиши муносабати билан чин дилдан табриклайди. Уларга мустаҳкам соғлиқ, узок умр, оилаларига тинчлик-осойишталик, фарзандлари камоллини кўришни тилайди.

«Қашқадарё Телеком» филиали жамоаси шу корхонанинг Қарши линия техника цехи бошлиғи Ориф ОСТОНОВни 50 ёши билан муборакбод этади. Унга омонлик, оиласига тинчлик, ишларига ривож тилайди.



FILATELISTLAR BURCHAGI

2001 ЙИЛДА ЧИҚАРИЛГАН
ПОЧТА МАРКАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг хорижий давлатлар раҳбарлари ва жамоат арбоблари билан бўлган учрашувларига бағишланган почта маркалари.



338. «Ислам Каримов ва Кочерил Раман Нараянан» почта маркаси.

Варақда иккита марка, иккита купон мавжуд.



339. «ЕХТнинг Истамбулдаги саммити» почта маркаси.

Варақда иккита марка, иккита купон мавжуд.



340. «Ислам Каримов ва Рим Папаси Иоанн Павел II» почта маркаси.

Варақда иккита марка, иккита купон мавжуд.

«O'ZALOQAKONSALTING» MCHJ

алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида фаолият юритаётган субъектларга, юридик шахсларга, тадбиркорларга, раҳбар-мутахассисларга уларнинг фаолияти юртишлари учун зарур бўлган республика қонунлари, қонуности ҳужжатлари, давлат, соҳа стандартлари, меъёрий ҳужжатлар рўйхатларини тайёрлаб, улар билан тез фурсатларда сифатли ва нисбатан арзон нархларда тўлиқ таъминлаб бериш имкониятига эга. Субъектлар, раҳбарлар, мутахассислар, юридик шахслар ва хусусий тадбиркорлар мурожаатлари асосида алоқа ва ахборотлаштириш соҳасига тааллуқли саволларга жавоблар ва маслаҳатлар бериш ва уларнинг буюртмалари асосида норматив ҳужжатлар, инвестиция лойиҳаларига «Техник-иқтисодий асослаш» лойиҳаларини ишлаб чиқиш, қурилиш лойиҳа-смета ҳужжатларини тез ва сифатли экспертиза қилиш, алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси ва субъектлар фаолиятига оид ҳужжатлар лойиҳаларини баҳолаш ва экспертизадан ўтказиш имкониятлари мавжудлигини билдиради.

Шунингдек, «O'zAloqaKonsalting» MCHJга Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг АА №0001874-сонли «Маҳаллий телекоммуникация тармоқларини», АА №0001875-сонли «Шаҳарлараро телекоммуникация тармоқларини» лойиҳалаш учун 2007 йилнинг 27 февралда лицензиялар берилган.

«O'zAloqaKonsalting» жамияти маҳаллий ва шаҳарлараро телекоммуникация тармоқларини қуриш учун тегишли лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқаради.

Марҳамат, мурожаат қилинг, хизматингизга доим тайёрмиз!

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, А.Толстой кўчаси, 1-уй. Телефонлар: 137-02-26 — факс; 137-23-86 — консалтинг хизматлари; 137-13-83 — инжиниринг ишлари; 137-47-13 — қурилиш лойиҳа-смета ҳужжатлари экспертизаси. e-mail: bikmetov@consalting.uz, www.consalting.uz



ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ МАГНАТИ

Microsoft компанияси асосчиси Билл Гейтс сўнгги 13 йил давомида дунёнинг энг бадавлат кишиси номини ҳеч кимга бермай келди. Мазкур ҳафтада бу якка ҳокимликка чек қўйилди: бошқа бир телекоммуникация магнати 67,8 миллиард долларлик сармоя билан уни қувиб ўтди...